O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

# Миллий тикланиш

MILLIY TIKLANISH

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

2008 йил 12 МАРТ Чоршанба
10 (447)-сон



*Қизларнинг гулгун чеҳралари баҳорга,
баҳорнинг ташрифи уларнинг табассумига ярашган.*

Азамат АҲМАД олган сурат.

# ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

***11 март куни Оқсаройда Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовга Тошкент тиббиёт академиясининг Фахрий доктори унвони берилишига бағишланган тантанали маросим бўлди.***

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Туркманистон Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи самарали бўлганини, ушбу саммит мамлакатларимиз тараққиётига, халқларимиз фаровонлигини оширишга, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

— Мазкур ташриф икки мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди, — деди Ислом Каримов. — Ўтказилган музокаралар мамлакатларимизнинг ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашда, халқларимиз ўртасида ўзаро дўстлик ва қардошлик муносабатларини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги гуманитар алоқалар, хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида тўхталди. Туркманистон Президентининг мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш борасидаги самарали фаолиятини қайд этди.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовга Тошкент тиббиёт академиясининг Фахрий доктори унвони берилди.

Олий мартабали меҳмонга ушбу юксак илмий унвон дипломи тантанали равишда топширилди ва докторлик мантияси кийгизилди.

Гурбангули Бердимуҳамедов бундай юксак эътибор учун Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор этди. Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида барча соҳалар қатори соғлиқни сақлаш тизимида ҳам амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади.

— Биз бошқа соҳалар қатори тиббиёт соҳасида ҳам ўзаро илмий ва амалий ҳамкорликни изчил ривожлантиришдан манфаатдормиз, — деди Туркманистон Президенти.

Шу куни Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов Туркманистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси янги биносига пойдевор қўйиш маросимида қатнашдилар.

Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов янги бинонинг Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов ташаббуси билан тузилган лойиҳасига юқори баҳо берди. Бунёд этилажак ушбу элчихона ўзининг бетакрорлиги билан ажралиб туришини, пойтахтимиз кўркига кўрк қўшишини қайд этди.

Гурбангули Бердимуҳамедов Туркманистон элчихонасининг янги биносига пойдевор қўйилиши Ўзбекистон — Туркманистон муносабатлари изчил тараққий этаётганидан далолат беришини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарлари номидан келажак авлодларга нома битилган капсула бино пойдеворига қўйилди.

Гурбангули Бердимуҳамедов Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмон «СамАвто» заводида бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни билан танишди. Бу ерда 2007 йилдан «ISUZU» русумли автобус ва юк автомобиллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. «СамАвто» машиналари фақат мамлакатимизда эмас, балки қўшни юртларда ҳам аҳолига хизмат қилмоқда.

Гурбангули Бердимуҳамедов заводнинг замонавий технологиялар билан жиҳозланганига юқори баҳо берди. Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда ушбу корхона билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади.

Гурбангули Бердимуҳамедов Гўри Амир мақбараси, Регистон майдони, Шоҳи Зинда мажмуини зиёрат қилди ҳамда Улуғбек расадхонаси билан танишди.

Туркманистон Президенти Самарқанднинг тарихий обидалари ҳам, бетакрор, замонавий қиёфаси ҳам кишини ҳайратга солишини, ўчмас таассурот қолдиришини эътироф этди.

Шу билан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди. Бу ташриф 2007 йилнинг октябрь ойида Ашхободда ўтган Ўзбекистон — Туркманистон саммитининг мантиқий давоми бўлди. Ташриф асносида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ўз тараққиётининг янги палласига кирганидан, ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганидан ёрқин далолатдир.

**(ЎзА).**

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида*

# ЙОДЛАНГАН ТУЗ

саломатлик гарови

**Пойтахтимизда мамлакатимизда йод танқислиги оқибатида келиб чиқадиган касалликларнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиш ҳамда йодланган туз ишлаб чиқаришни янада яхши йўлга қўйиш мақсадида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Унда ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, республикамизнинг турли ҳудудларидаги туз ишлаб чиқарувчи корхоналар мутасаддилари, мутахассис олимлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 27 декабрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини аҳоли орасида тушунтириш ва унинг жойлардаги ижроси таъминланиши тўғрисида сўз борди.

Парламент қуйи палатаси Спикери ўринбосарлари Асилиддин Рустамов, Атҳам Шодмонов ҳамда Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Илҳом Насриев, депутат Шарифа Салимова йод етишмаслигининг олдини олиш борасида юртимизда қилинаётган ишлар, йодланган туз ишлаб чиқаришнинг яхши йўлга қўйилиши саломатлигимиз учун нақадар муҳимлиги тўғрисидаги фикрларини ўртага ташлашди. Эндокринология илмий текшириш институти ходими Мурод Рашидов, Республика санитария ва эпидемиология назорати маркази раҳбари ўринбосари Каримжон Мамараҳимовлар сўзга чиқиб, йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси, йодланган туз ишлаб чиқаришнинг аҳамияти хусусида гапиришди. Шунингдек, маърузачилар йиғилганларни мамлакатимиздаги инсон саломатлиги учун энг зарур маҳсулот ҳисобланган йодланган ош тузи ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарнинг санитария аҳволини ва маҳсулотлар сифатини аниқлаш юзасидан ўтказилган мониторинг натижалари билан ҳам таништиришди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зуҳра Баратова яқинда Бухоро вилоятининг Жондор ва Ромитан туманларида сайловчилар билан бўлган учрашувлар давомида ҳам мазкур соҳага оид ҳолатлар ўрганилганлигини алоҳида таъкидлади.

Давра суҳбати қизғин баҳс-мунозаралар билан ўтди. Тадбир иштирокчилари жойларда қонун ижроси бўйича олиб борилаётган ишлар самарадорлиги ва мавжуд муаммолар хусусида фикр алмашиб, таклиф-мулоҳазаларини ўртага ташлашди.

**Гули ОЛИМОВА.**

*ЎзМТДП вилоят кенгашларида*

***ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.***

# ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Унда Президентимизнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш — барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир» мавзуидаги маърузаси юзасидан келиб чиқадиган вилоят кенгашининг вазифалари белгилаб олинди.

Бу ҳақда ЎзМТДП вилоят кенгаши раиси Исо Адинаев ахборот берди. Пленумда, шунингдек, вилоят кенгашининг 2007 йил якунлари ва 2008 йилдаги режалари, Ёшлар йилидаги асосий иш йўналишлари, вилоят кенгаши таркибига ўзгартиришлар киритиш, кенгаш раёсати таркиби тўғрисидаги масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Пленум сўнгида муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

**Жуманазар АНОРОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.**

*Фракция йиғилиши*

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш", "Фидокорлар" ва "Адолат" партиялари фракцияларининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда парламент қуйи палатаси фракциялари аъзолари, партия Марказий кенгашлари девони ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

# ҲИСОБ ПАЛАТАСИ ҲИСОБОТ БЕРДИ

Йиғилишда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётига оид масалалар ва бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Ҳисоб палатасининг 2007 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди. Мазкур масала юзасидан Ҳисоб палатаси масъул ходими О. Рустамов ахборот берди. Таъкидландики, ўтган даврда "Бюджет тизими тўғрисида"ги қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида палата томонидан мамлакатимиз Давлат бюджетининг ижроси ташқи аудитдан ўтказилди. Шунингдек, Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар даромадларининг тўлиқ шакллантирилиши ҳамда харажатларнинг мақсадли сарфланиши текширилди. Палата ҳисоботи депутатлар томонидан қизғин муҳокама этилиб, маъқулланди.

Шунингдек, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Т. Абдуллаеванинг "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 224-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш)ги ахбороти тингланди. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги

*Давоми 3-бетда*

# СУҒУРТА ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ўзбекистон Республикасининг "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида"ги Қонуни лойиҳасини муҳокама этишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг "Ўзбекистонда давлат молияси ислоҳоти" қўшма лойиҳаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Маълумки, мамлакатимизда суғурта бозорини тартибга солиш бўйича қонунчилик тизими яратилган. Унинг янада самарали фаолият юритиши учун ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, шунингдек, фаолиятнинг турли жиҳатларини тартибга солувчи қонунларнинг яхлит тизимини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан олганда, бозор муносабатлари қарор топаётган пайтда фуқаролар, хусусий сектор ва давлатнинг ижтимоий, иқтисодий манфаатлари кафолатланишини таъминлаш учун мажбурий суғурталаш жиддий масала эканлиги равшан бўлади. Бунда меҳнат қилаётганлар манфаатларининг тўлақонли ҳимояланишини кафолатлашда иш берувчининг ходимлар олдидаги жавобгарлигини суғурталаш идоралари вакилларига ўтказиш механизмидан фойдаланиш мумкин. Бу эса ўз хизмат мажбуриятларини ижро этиш билан боғлиқ бўлган касбий меҳнатга лаёқатсизлик туфайли ходимлар ҳуқуқларининг камситилиши имкониятини минималлаштиради.

Қизғин муҳокамалар давомида "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида"ги қонун лойиҳасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича тавсиялар берилди, шунингдек, ушбу йўналиш бўйича олиб бориладиган келгуси ишлар юзасидан нуқтаи назар ишлаб чиқилди.

Давра суҳбатида парламент қуйи палатаси депутатлари, Молия ва Адлия вазирликлари, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ҳамда суғурта компаниялари ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

**М. ҒАФУРОВ.**



# ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ – МИЛЛАТ РАВНАҚИ

## *Гулистонда ўтган тадбир шу шиор асосида бўлди*

***Гулистонда «Миллий тикланиш» демократик партияси Сирдарё вилоят кенгаши, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Гулистон Давлат университети ҳамкорлигида «Ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир» мавзуида катта анжуман бўлиб ўтди.***

Учрашувда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳамедов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Собиржон Жабборов, шоир Рустам Мусурмон ва бошқа ижодкорлар, партия фаоллари иштирок этди.

Анжуманни Гулистон Давлат университети ректори Улуғбек Тошкенбоев очди.

— Олий ўқув юртимизда «Маънавият куни» деб аталадиган ҳар ойнинг охирги сешанбасида турли тадбирлар, учрашув ва суҳбатлар ўтказиш яхши анъанага айланган. Бугунги тадбир ҳам ёшлар учун ажойиб туҳфа бўлади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповга сўз берилди.

— Ҳозир залга қараб шуни сездимки, ҳамма ёшлар бир-бирларига ўхшар экан, — деди у. — Яқинда Токио шаҳрида ўтказилган бир учрашувда қатнашдим. У ерда Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйдик. Узоқ бир мамлакатда буюк алломамизнинг улуғланишидан, японларнинг ўзбеклар ҳақидаги самимий гапларидан жуда ҳаяжонландим, фахрландим. Ўша учрашувдаги иштирокчиларнинг ҳам кўпчилиги ёшлар эди. Улар бизнинг ёшларимизга қайсидир жиҳатлари билан ўхшашлигидан ҳайрон бўлдим. Япон ёшлари ҳам жуда билимга чанқоқ, тиришқоқ.

Бу йилнинг Ёшлар йили деб аталгани бежиз эмас. Президентимиз ва ҳукуматимиз фарзандларимизга ғамхўрлик кўрсатиб, ўқиш, ишлаш, ижод қилиши учун барча имкониятларни яратиб бермоқда. Биргина адабиёт соҳасини олиб қарасак, ёш ижодкорларга эътибор катта. Мисол учун, илгари Олий адабиёт курсида

**ЎзМТДП ташаббуси билан**

ўқиш учун Москвага боришга тўғри келарди. Бугун эса бундай курс Тошкентда ташкил этилиб, унда бир қатор истеъдодли ёшлар таҳсил олмоқда.

Қаҳрамон шоир айтган гаплар, ўқиган шеърлар кечани адабиёт байрамига айлантириб юборди.

Хуршид Дўстмуҳамедов ўз сўзини шоир Абдулла Ориповнинг ижод намуналаридан бири — «Биринчи муҳаббатим» шеъридан бир неча мисраларни ўқиш билан бошлаганида залда ўтирган талабаларнинг кўпчилиги унга жўр бўлишди. Дарҳақиқат, мазкур шеър дунёга келган ўтган асрнинг 70-йилларида уни ёддан билмаган, қайта-қайта тилга олмаган талаба йўқ эди десак, муболаға бўлмайди.

— Мен севимли шоиримизнинг машҳур шеърини бежиз келтирмадим, — деди Х. Дўстмуҳамедов. — Тадбирнинг иштирокчилари ҳам, мавзуи ҳам ёшлар экан, бугун ёшлар тарбияси, маънавияти, ахлоқ-одоби хусусида сўз юритиш ўринлидир. Муҳаббат — илоҳий туйғу, уни юракда асраб-авайлаш, қадрига етмоқ керак. Яқинда ўзимни танитмай, тунги барга бориб ёшларни кузатдим. Тўғриси, уларнинг ўзларини тутишларидан, қўшиқларидан, рақсларидан уялиб кетдим. Ахир, ўзлигимиз, миллий ғуруримиз, анъаналаримизни шунчалик ерга урамизми? Ёшларимиз маданиятли, замонавий бўламиз, деб четдан кириб келаётган «оммавий маданият»ни кўр-кўрона қабул қилишаяпти. Тўғри, бугунги давр, унинг талаблари ҳам бошқача, ахборот технологиялари ривожланган асрда яшаяпмиз. Лекин асрлар оша яшаб келаётган ўзбекона миллий қадриятларимизни уларга алмашиб бўладими? Ёшларимизни бугунги кунда авж олаётган ёт ахборотлар «тўфони»дан асрашимиз керак. Ёшлар йили, бу оддий ибора эмас, уни сиёсий етуклик, одоб-ахлоқ, маънавий тарбия юксак даражага етган йилга айлантириш зарур. Бугунги билимдон, ташкилотчи, ташаббускор ёшларимиздан кўп нарсаларни кутамиз.

Бундай фикрларни сенатор, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби Ҳаётхон Ортиқбоева, «Зиё» нашриёти директори, шоира Баҳор Холбекова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Собиржон Жабборов ҳам давом эттирди.

Шоир Рустам Мусурмоннинг жўшқин шеърларини талабалар илиқ кутиб олдилар. Олий адабиёт курси тингловчиси Ҳаёт Шодмон, ёш ижодкор Дилафрўз Чориева ўқиган шеърлар ҳам барчага манзур бўлди.

Қизғин савол-жавоб ва шеърхонлик тарзида ўтган анжуман иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**Холида ПАРДАБОЕВА.**

Газетамизга «Ўзбекистон почтаси» АЖ ва «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимларида обуна давом этилаётганлигини эслатиб ўтамиз.

● ЎзМТДП танлови ғолиблари

# БИРИНЧИ БЎЛИШ ҲАМЖИҲАТЛИККА БОҒЛИҚ

## дейди ЎзМТДП Қарши шаҳар кенгаши раиси Даврон Кесимов



*ЎзМТДПнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, ҳудудий партия кенгашлари фаолиятини тубдан яхшилаш, уларни ташкилий-молиявий қўллаб-қувватлашни кўзлаб партия Марказий кенгаши томонидан 2007 йилда ўтказилган танловнинг "Вилоятнинг энг фаол (шаҳар) туман кенгаши" йўналиши бўйича Қарши шаҳар кенгаши биринчиликни қўлга киритганди. Ғолибга ЎзМТДП Марказий кенгаши томонидан факс аппарати берилди.*

Бугунги кунда ҳудудда 700 нафардан ортиқ партия аъзоси бор. Бошланғич ташкилотлар эса 25 та. Шаҳар кенгаши алоҳида хона ва ҳисоб рақамига эга. Кенгаш раиси Даврон Кесимов ёш бўлишига қарамай, ўз ишини яхши билади. Кенгаш томонидан давра суҳбатлари, учрашувлар ва тадбирлар, аъзолар сафини кенгайтириш, партия Дастуридаги эзгу ғояларни тарғиб қилиш, жамоатчилик билан ишлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Танлов шартларида кўрсатилган талаблар асосида биринчиликка ҳар жиҳатдан лойиқ деб топилган партия кенгаши фаолияти, иш режасини ўрганиб чиқдик. Режасиз иш, қолипсиз ғишт, дейдилар. Унда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий йўналишлар бўйича амалга ошириладиган ишлар, партия сафларини кенгайтириш, кадрлар заҳирасини яратиш мақсадида ўқув семинарларини ташкиллаштириш каби муҳим масалалар учун алоҳида ўрин ажратилган. Жойларда "Ёшлар қаноти" фаолиятини кенгайтириш, партия сафини фидойи, Ватанимизга, миллий қадриятларимизга садоқатли ёшлар билан тўлдириб бориш мақсадида режали ишлар қилинмоқда.

— Аъзоларимизнинг катта қисмини ёшлар ташкил қилади, — дейди шаҳар кенгаши раиси Даврон Кесимов. — Уларнинг мададига таяниб иш тутамиз доим. Олий ўқув юртлари ва коллеж талабалари, мактаб ўқувчиларининг кўнглидаги ёруғ истакларни рўёбга чиқаришга интилаяпмиз. Ёшларнинг иқтидорларини юзага чиқариш учун турли хил кўрик-танловлар ташкиллаштиришга одатланганмиз. Бу эса янги-янги истеъдодларни кашф қилишга йўл очмоқда. Бу каби катта-кичик ютуқлар "Ёшлар қаноти" раиси Ўктам Абдуллаевнинг ҳаракатчанлиги самарасидир.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Қашқадарё вилоят филиали билан ҳамкорликда "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" фаолларининг ўқуви ташкил қилинди, семинар-тренинглар уюштирилди. Шунингдек, Хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари билан ҳам яқиндан ҳамкорлик ўрнатганмиз. Фаол етакчиларимиз жойларда бўлиб, аниқ режа асосида бир қатор маънавий-маърифий тадбирларни ташкиллаштиришга бош-қош бўлишмоқда. Юртимизнинг бошқа ҳудудларида самарали иш олиб бораётган фаолларимиз қаторида қаршилик зиёлилар партияси етакчилари ҳам аҳоли орасига янада яқин кириб бораётир. Бир сўз билан айтганда, партиядошларимиз илгари сураётган эзгу ғояларга халқнинг ишончи ортмоқда, хайрихоҳларимиз кўпаймоқда. Буни долзарб мавзуларда давра суҳбатлари уюштириш фикри кўпинча коллеж ва мактаблардаги партиямиз аъзоларининг ўзидан чиқаётганидан ҳам билиш мумкин. "Миллий мафкура — миллат келажаги", "Ватан — ягона оила", "Хотин-қизлар ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда ЎзМТДПнинг ўрни", "Болалар — эртанги кунимизнинг муносиб эгалари", "Сиёсий партиялар фаолиятида маҳалланинг ўрни", Қонун устуворлиги — бизнинг бош мақсадимиз", "Миллий тикланиш инсон тақдирида" каби бир қатор тадбирлар, учрашув ва мулоқотлар, давра суҳбатларининг уюштирилишини мана шу ҳамкорлик натижаси дейиш мумкин.

Ўтган Ижтимоий ҳимоя йилида ногиронлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳолидан хабар олиш мақсадида "Самарқанд", "Гулшан", "Рогузар" ва "Кунчиқар" маҳаллаларида хайрия тадбирлари ўтказилди. Бундан ташқари, вақти-вақти билан таълим-тарбия масканлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида давра суҳбатлари уюштириб келинмоқда. «Самарқанд» маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган «Энг намунали ёш оила» танлови жуда қизиқарли ўтди. Маҳалладаги кўпгина оилалар танловда иштирок этишди. Ғолибларни тақдирладик. Партиямиз етакчиларининг қандай ишлаётгани шу каби катта-кичик тадбирларда кўринади, юзага чиқади.

ЎзМТДП Марказий кенгаши томонидан ташкил этилган кўрик-танловда "Энг фаол туман (шаҳар) кенгаши" йўналиши бўйича биринчиликни қўлга киритганимиз сафимиздаги фаолларни янада руҳлантирди. Биринчи бўлиш ҳам катта масъулият, аслида. Ёшлар йилида қилинадиган ишларни режалаштириб олдик. Бош мақсадимиз — "Миллий тикланиш" ғояларини юртдошларимиз қалбига етказиш, сафимизни янада кенгайтириб, хайрли мақсадларни янада кўпроқ амалга оширишдан иборатдир.

Партия етакчисининг гапида жон бор, биринчилар сафида бўлишнинг ҳам масъулиятли томонлари кўп. Четдан қараганлар кўпинча партия фаолиятига баҳо беришда биринчиларни кузатиш билан кифояланишади. Суҳбатдошимиз таъкидлаганидек, ҳамжиҳатлик билан ишлаш доимо қўл келади.

**Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА.**

# МАСЪУЛЛАР МАСЪУЛИЯТСИЗ БЎЛГАЧ...

> **«Инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиши керак. Давлат ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш ишига сафарбар қилгандагина ўз вазифасини тўғри адо этган ҳисобланади. Бу қоидани ҳамма тан олиши, бу қоидага ҳамма итоат қилиши шарт».**
>
> **И. КАРИМОВ.**

*Бир хат изидан*

Бундан саккиз йил аввал Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги «Зарафшон» ширкат хўжалигида даштдан лалми ер ўзлаштиришга киришилади. Ширкат хўжалиги аъзоси Абдулла Авазов икки-уч нафар укаси билан бу ишга жалб этилади.

— Абдулла инилари билан жуда яхши ишлади, — дейди собиқ ширкат хўжалиги раиси Ортиқ Эшқувватов. — Шу сабабли ўзлаштирилган 4 гектар лалми ерда ўзларинг ишлайверасизлар, уйга қатнаб юргандан кўра шу ердан иморат қуриб олинглар, деб Абдуллага рухсат бердим. Уларнинг меҳнати, тан олиш керак, мақтовга лойиқ эди. Барчасига томорқа учун ер бермоқчи эдим. Лекин ширкат хўжалиги тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантирилгач, бу нарсалар қолиб кетди...

— Оилада ота-онам ва саккиз фарзанд эдик, — дейди Абдулла Авазов. — Ҳаммамизнинг бир уйда сиқилиб яшаётганимизни, жонимизни жабборга бериб ишлаётганимизни кўрган раис бобо (О. Эшқувватов) 2000 йили янги очилган ердан уй-жой тиклаб, кириб-чиқиб ишлайверасизлар, деб ўзи бош бўлиб жой кўрсатди. Чоғроққина (2 хона, даҳлизи билан) уй қуриб, кўчиб чиқиб, далада ишлай бошладик. 2004 йил кўкламида мени ўз аризам бўйича судга чақиришди...

2004 йилнинг 15 мартида фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг сайёр очиқ суди бўлиб ўтади. Даъвогар А. Авазов ва даъвогар тарафдан учинчи шахс — Нарпай тумани ҳокимлигининг ишончли вакили Ш. Турдиқулов ҳамда жавобгар — Нарпай тумани «Зарафшон» ширкат хўжалиги бош ҳисобчиси О. Очиловлар иштирок этган судда А. Авазов даъвоси қаноатлантирилади. Суд ҳужжатида А. Авазов бир неча йилдан буён «Зарафшон» ширкат хўжалигида ишлаши, ҳақиқатан ҳам 2000 йилда ширкат хўжалиги раисининг рухсати билан сув чиқмайдиган лалми ерлардан якка тартибда уй-жой қуриш учун унга уч сотих ер майдони берилганлиги, А. Авазов 2000 йил октябрь ойида уйни қуриб, оила аъзолари билан бу ерда яшаши, ер учун солиқ тўлаётганлиги, даъвогарнинг уч хонали уйига нисбатан эгалик ҳуқуқини беришга ҳеч ким қарши эмаслиги қайд этилади. Хуллас, якдиллик билан 3 сотих ер А. Авазовга берилади.

Нега энди уч сотих? Томорқа қани? Ахир, қишлоқ жой-ку, боз устига дашт, лалми ер бўлса? Қаерга экин экиб, қандай тирикчилик қилинади?

— Биз ростданам хурсанд бўлгандик, — дейди Абдулланинг онаси, иккинчи гуруҳ ногирони Ҳурмат ая Авазова. — Уй-жой деса, томорқаси ҳам бор деб тушунибмиз. Ахир, қишлоқда уй-жой томорқасиз берилмайди-ку. Бунинг устига, дашт ер бўлса, болаларимнинг қанчадан-қанча меҳнати сингган бўлса, уларни хафа қилиб қўйишмас, деб ўйлагандик. Билганимизда, ўша судда бу масала ҳам кўтарилларди. Ҳамма Абдулла тарафида эди...

— Бу орада ўша пайтдаги ширкат хўжалиги ер тузувчиси Шерназар Қурбонов келиб, 10 сотих томорқанг бор, уни расмийлаштириб қўяман, деб кетди, — дейди А. Авазов. — Мен раис бобонинг ўзи ер берган, ер тузувчи ҳам хабардор бўлса, ҳаммаси жойида экан, дея томорқа пули тўлаб, ундан фойдаланиб юравердим. Бориб текшириб кўриш, суриштиришга андиша қилдим, раҳбарларга ишондим...

Биз туман архивидаги собиқ «Зарафшон» ширкат хўжалиги аъзоларига томорқа ажратиш тўғрисидаги ҳужжатлар билан қизиқдик. Ва 1995-2003 йилларда биронбир кишига на томорқа, на уй-жой берилгани ҳақидаги ҳужжатни учратмадик. Ваҳоланки, одамлар томорқа олиб, уй-жой қуришган... Демак, ширкат хўжалиги раҳбарлари ўз вазифаларига лоқайдлик билан ёндашишган.

Хуллас, масъулларнинг масъулиятсизлиги оқибатида А. Авазов фойдаланиб келаётган томорқа контур карталарда кўрсатилмасдан 2006 йили фермер хўжаликлари тасарруфига ўтказилгани боис 2007 йилнинг 5 февралида жиноят ишлари бўйича Нарпай тумани суди қарори билан Абдулла Авазов айбдор деб топилади. У «Косагарон» қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган «Косагарон» фермер хўжалигининг 573-контуридан ўзбошимчалик билан ноқонуний равишда томорқа эгаллаб, пахса девор билан ўраб олганликда айбланиб, пойдевор ва пахса деворларни бузиш, жарима тўлаш тўғрисида қарор чиқарилади.

А. Авазовнинг маҳаллий ҳокимиятларга, тегишли ташкилот ва идораларга ёзган аризалари бесамар кетди. Нарпай туман суд ижрочилари бўлимининг катта суд ижрочиси К. Шароповнинг 2007 йил 22 ноябрдаги 408-хатига асосан 24 ноябрь куни пахса деворларга қўшиб вояга етиб қолган 278 туп терак ва 2 туп ёнғоқ ҳам кесиб ташланди. Бир зумда шунча йиллик меҳнат чилпарчин бўлди. Ана сизга ҳуқуқий билимсизлик ёки ноўрин андишанинг оқибати.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: инсон қадри, унинг меҳнати қадри қаерда қолди? Ахир, ҳаётнинг ёзилмаган қонунлари ҳам бор-ку! Қонун адолатга, жамиятга хизмат қилиши керак бўлса, инсоннинг ўз меҳнатидан манфаатдор бўлиши ҳам адолатдан эмасми?!

Биз ўзлаштирилган ернинг ҳолатини кўздан кечирганимизда, 4 гектарнинг деярли ярми яна яроқсиз ҳолга келганига гувоҳ бўлдик.

— Сув чиқариш қийин бўлди, — дейди фермер хўжалиги раиси Ғофир Эшқувватов. — Шу туфайли кейинги йилларда ундан фойдаланишнинг иложи бўлмаяпти. Яна қайта ўзлаштириш йўлларини излаяпмиз...

— Олдин ариқ қазиб, қувурлар ташлаб, насосдан фойдаланиб деҳқончилик қилардик, — дейди Абдулла Авазов. — Жанжал бошлангач, ишдан қўл совиди. Ҳозир фермер хўжалигида ишламаяпмиз.

Ана сизга муаммо... 10 сотих томорқа ер деб салкам икки гектар ерни қўлдан чиқариш, деҳқон кўнглини оғритиш шартмиди? Бунинг ўрнига уларнинг кўнглини кўтариб, қанчадан-қанча даромад олиш мумкин эди-ку!

Биз Нарпай туманида бўлиб, маҳаллий ҳокимият, тегишли ташкилотлар раҳбарлари, Абдулла билан «сан-ман»га бораётган фермер хўжаликлари бошлиқлари билан суҳбатлашдик. Улар бир нарсани якдиллик билан таъкидлашди: «Абдулланинг бу ерда яшашига биз умуман қарши эмасмиз. Лекин унга томорқани расмийлаштириб бериш бизнинг ваколатимизга кирмайди».

Демак, энди бу ишга ваколатли ташкилотлар аралашмасалар, масала ҳал бўлмайдиган кўринади.

**Худоёр КАРИМОВ.**

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик нафақат аҳоли бандлиги ва унинг даромадларини оширишда, балки мамлакатимиз иқтисодиёти ривожида ҳам катта аҳамият касб этади. Мазкур соҳани ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларида аҳоли кенг табақаларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш ва шу орқали янги иш ўринларини яратиш борасида "Микрокредитбанк" акционерлик тижорат банкининг Андижон вилояти филиали жамоаси бир қатор ибратли ишларни амалга ошираётир. Молиявий инфратузилмани янада ривожлантириш борасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда асосий эътибор вилоятнинг энг чекка ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш учун қўшимча имкониятларни таъминлайдиган филиаллар ва минибанклар ташкил этишга қаратилаётир. Ҳозирда молиявий муассасанинг 8 та филиали ва 19 та мини банки, битта агентлиги мижозларга сифатли ва замонавий хизматларни кўрсатмоқда.**

# «МИКРОКРЕДИТБАНК»

## ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ

Ўтган йилда юртимизда иқтисодиётнинг устувор йўналиши деб белгиланган соҳага 2006 йилга нисбатан 2,6 баробар кўп миқдорда, яъни 5,3 миллиард сўмлик кредит ажратилди. Натижада 40150 тадан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди. Ҳозир уларнинг 1364 тасида аёллар ишлаётир. Бу хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этишдаги ижобий натижаси, албатта.



Банк жамоаси фермерларни қўллаб-қувватлашни ҳам асосий вазифаларидан деб ҳисоблайди. Ажратилаётган микросармоялар фермерлик ҳаракатига мадад беришга, уларнинг моддий техник базасини шакллантиришга хизмат қилаётир. Айниқса, қишлоқ мулкдорларига имтиёзли равишда энг кам иш ҳақининг икки минг баробари миқдоригача бўлган даражада кўрсатилган микролизинг хизматлари уларга ўз техника воситаларига эга бўлишда имконият яратмоқда. Масалан, ўтган йили 441 миллион сўмлик микролизинг хизматлари кўрсатилган бўлса, шундан фермер хўжаликларига лизинг асосида 378 миллион сўмлик қишлоқ хўжалиги техникалари етказиб берилди.

Банк хизматидан баҳраманд бўлаётганлар кўп. Хусусан, Олтинкўл туманидаги "Меҳр" фермер хўжалиги лизинг асосида «МТЗ-80», Жалақудуқ туманидаги "Жумабоев Дилшод чамани" фермер хўжалиги «ТТЗ-80.11» трактори олишга эришди. Натижада фермерлар ўз техникасига эга бўлди. Банк ўз фаолиятини Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, "Ишбилармон аёллар", "Ҳунарманд" уюшмалари, "Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси" каби қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этаётир. Масалан, "Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш" жамғармаси билан биргаликда вилоятда намунали фаолият юритаётган фермер аёллар рағбатлантирилди ва уларга микромолиявий хизматлар кўрсатилди.



*Банк ва мижоз*

Тадбиркор ўз фаолиятини бошлашдан то корхонаси иқтисодиётини мустаҳкамлагунча банк билан мўътадил ҳамкорликни йўлга қўйгани фойда бермоқда. Бу ишга қизиқаётган қишлоқ аҳолиси учун базавий семинарлар ташкил этилаётир. Ўтган йили аҳолининг кам таъминланган қатламларини моддий қўллаб-қувватлаш, уларни меҳнатга жалб қилиш орқали 858 та оилага 791 миллион сўм миқдорида чорва моллари сотиб олиши учун кредит ажратилди.

Дарҳақиқат, пахтаободлик Насибахон Хушмуродова, шаҳрихонлик Музаффар Маҳмудов, жалақудуқлик Шоҳида Тешабоеваларга 800 минг сўмдан имтиёзли микрокредит берилганди. Уларга оила эҳтиёжини қондиришга имконият туғилибгина қолмай, балки ўз эҳтиёжларидан ортган маҳсулотларни сотиб, оилавий тадбиркорликни ташкил этишга ҳам йўл очилди.

Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони узоқ қишлоқлардаги ёш оилаларнинг меҳнат фаолиятини бошлаш, мустақил ҳаётга кириб келишда уларга зарур ёрдам кўрсатиш ва барқарор даромад манбаларини шакллантириш учун ҳам замин яратаётир. Уларга уй-жой сотиб олиш, тўй маросимларини ўтказиш, жиҳозлар харид этиш ҳамда биринчи фарзанди эҳтиёжи учун имтиёзли истеъмол ва ипотека кредитлари ажратиш йўлга қўйилди. 1460 та ёш оилага 1 миллиард 600 миллион сўмлик маблағ берилди.

"Ройсон электроникс" қўшма корхонаси, "Сино" акциядорлик жамияти ва бошқа корхоналар билан шарнома имзоланиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ёш оилаларга истеъмол кредитлари сифатида етказиб берилмоқда.

— Турмуш шароитимизни яхшилаш учун кредит олдик, — дейди балиқчилик ёш оила соҳиби Маҳмуджон Аҳмедов. — Маблағга мебель тўплами, телевизор ва совутгич харид қилдик. Бахтиёр ҳаёт кечиришимиз учун барча шароит яратилди. Бунинг учун банк жамоасига раҳмат.

Пахтаободлик ёш тадбиркор Дилноза Мусаева икки миллион сўмлик микрокредит маблағи ҳисобига аёллар гўзаллик салонини очди ва бугун туман аёлларига сифатли хизмат кўрсатиб келаётир. Президентимизнинг 2007 йил 21 майдаги "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида узоқ қишлоқ жойларда аҳолига замонавий ва сифатли сервис хизмати турларини кенгайтириш учун 858,8 миллион сўм миқдорида микромолиявий хизмат кўрсатилди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Иқтисодиёт вазирликлари билан биргаликда "Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги энг яхши лойиҳа" кўрик-танлови ўтказилаётгани ҳам айни муддао бўлди. Бу тадбирнинг ўтказилиши мазкур соҳада фаолият юритаётган тадбиркорларда катта қизиқиш уйғотди. Мисол учун, Пахтаобод туманидан Ҳаётилло Алиохунов республика кўрик-танловида "Энг ёш тадбиркор томонидан тақдим этилган сервис соҳасидаги лойиҳа" кўрик-танловининг "Энг ёш тадбиркор" номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.

Банк филиали бошқарувчиси Дилшодбек Сатторов ҳузурида "Ташаббус-2007" республика танловида "Энг яхши ҳунарманд" номинацияси бўйича шарафли совринга ва Президент совғаси "Матиз" автомашинасига сазовор бўлган Содиқжон Неъматов билан учрашдик. Шаҳрихонлик машҳур ҳунарманд ҳам банкнинг мижози экан.



— Пичоқчиликни ривожлантириш мақсадида олти миллион сўм кредит олгандик, — дейди Содиқжон Неъматов. — Ёшларга касб-ҳунар ўргатиш билан бирга ўн бешта янги иш ўрни ҳам очдик. Банк ходимларининг мижозларга тезкор, малакали ва маданий хизмат кўрсатишларидан доимо мамнунмиз.

Дилшод Сатторов чекка туманлардаги мини банкларни филиалларга айлантириш ва уларнинг базасини мустаҳкамлаш ҳамда хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес субъектларига ажратиладиган кредитлар ҳажмини етти миллиард сўмга етказиш, олти мингтадан ортиқ иш ўринлари очишга ҳаракат қилинаётганлигини алоҳида таъкидлади. Унинг айтишича, Ёшлар йили муносабати билан ёшларни тадбиркорликка жалб этиш борасидаги тадбирлар кўлами ортаверади. Айниқса, касб-ҳунар коллежларини битириб, эгаллаган ҳунарлари бўйича тадбиркорлик фаолиятларини бошлашлари учун дастлабки микросармоялар ажратиш кўпаяди.

**Ўринбой КЕНЖАЕВ.** ®

***Буюк шоир ва носир Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон умри давомида кўп тазйиқларга учраса-да, ҳатто ҳаётини хавф остига қўйса-да, эътиқодидан қайтмай виждон амрига биноан ижод қилди. Ижоди миллат ва Ватан озодлигига, инсон ҳурлигига бағишлангани боис мустамлакачиларнинг малайлари томонидан асарлари ўғирланди, нашрлардан тўхтатилди. Аммо унинг асарлари йўқотилгани билан номларини тарих саҳифасидан ўчиришнинг уддасидан чиқа олмадилар.***

# ЧЎЛПОН ИЖОДИ

## лекин ҳали у тўлалигича



Абдулҳамид Сулаймон 1914 йилдан бошлаб Чўлпон тахаллуси билан «Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона» газеталари ва «Оина» журналида шеър, мақола, ҳикоя, хабарлар эълон қилган. Ўша йилларда Маҳмудхўжа Беҳбудий, Нусратулло Қудратулло, Ҳожи Муъин, Абдулла Бадрий каби драматурглар таъсирида ўзбек театрининг биринчи тадқиқотчиси Миён Бузрук Солиҳов ва Қаюм Рамазоннинг хабар беришича, «Бой» драмасини ёзган. (М. Бузрук асарнинг йўқолганлигини айтади.)

Чўлпон 1919 йилда «Чўрининг исёни» драмасини ёзади ва шу асардан «Севги ва салтанат» деб аталувчи бир шеърни «Иштирокиюн» газетасида эълон қилади. 1920-1921 йилларда табақалар ўртасидаги курашни акс эттирувчи «Халил фаранг» драмасини ва «Узунқулоқ бобо» комедиясини ёзади. Биринчиси ўша йили ўзбек давлат театрида Маннон Уйғур томонидан саҳналаштирилади. Аммо орадан кўп ўтмай бу асар саҳнадан олиб ташланади ва йўқотилади. Иккинчи асарни Чўлпон ўғирлатиб қўяди ва комедиянинг йўқолгани ҳақида «Қизил байроқ» газетасида расмий хабар беради. Бироқ асарнинг топилган ёки топилмагани тўғрисида матбуотда бирон хабар босилмаган.

Атоқли адабиётшунос олим Наим Каримов «Чўлпон» монографиясида адибнинг «Ҳижрат» пьесаси ва «Икки ҳожи» рўмани бўлганини айтиб, ҳужжатлар билан далиллайди. Бу асарларга оид ҳужжатларни биз ҳам кўрган бўлсак-да, бироқ асарларнинг ўзини қидириш пайида бўлганимиз учун матбуотда эълон қилмаган эдик.

Чўлпон 1928-1936 йилларда саломатлигининг ёмонлигига қарамай қаттиқ ишлайди. Бунга сабаб шуки, ўша даврдаги давлат раҳбарлари шоирнинг ижодини тўхтатишни лозим топмаганлар. Шоирни ҳам маънавий, ҳам иқтисодий қўллаб-қувватлаб туришган. Бу ҳақда Ўзбекистон халқ маориф кўмиссарининг ўринбосари Маҳмуд Ҳодиев (шоир Боту) шундай дейди: «Мен ХМКга ишга тайинлангунимча, Икромовнинг талаби билан Чўлпон ўзбек труппасига бадиий таржимон, амалий жиҳатдан олганда мафкуравий раҳбар сифатида ишга олинган эди. Чўлпон труппа фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда, уни труппадан кетказиш керак қабилидаги «ҳақиқатга тўғри келади»ган гап-сўзлар бўлган эди. Мен бу масалада 1929 йил тахминан октябрь ойида Икромов билан унинг уйида гаплашдим. У Чўлпонни ўша жойда қолдириш билан кифояланмай «уни кўтариш, унга янги асарлар ёзишни таклиф этиш керак. Чунки миллий зиёлилар орасида катта обрўга эга ва унинг асарлари миллий руҳда тарбиялаш учун катта хизмат қилади», деди. Ана шундан кейин мен «Қизил қалам» ёзувчилар уюшмасининг кўпчилик иштирок этган мажлисида «Чўлпон, Чўлпондир, уни калтаклаш керак эмас, балки унинг асарларини танқид қилиш лозим, ўзидан эса фойдаланмоқ керак», — дедим.

Чўлпоннинг «Ўртоқ Қаршибоев» пьесаси асосидаги спектакль тақдимотидан сўнг муҳокама ўтказишни таклиф этишди. Лекин ёнимда ўтирган Икромов секингина муҳокамага йўл қўймасликни таклиф этди. Менинг эътирозимдан кейин кимдир эътироз билдириб, Икромовга мурожаат қилди. У «мана, маориф кўмиссарининг ўринбосари ўтирибди, унга мурожаат қилинглар», — деди. Агар муҳокамага рухсат берилганда борми, албатта, Чўлпонни роса калтаклашган

### Биз билган ва билмаган тарих

бўлур эди. 1930 йил май ойи охирида Ўзбекистон МИҚ фракцияси мажлисидан сўнг Икромов менга Чўлпонга қандайдир бир бадиий асар ёзишни илтимос қилиб, хат ёзишни таклиф этди. У (мавзуни) очиқ айтгани йўқ, аммо мен унинг Чўлпонга муносабатини яхши билганим учун таклифининг моҳиятини, яъни Чўлпоннинг обрўсини кўтариш ва унинг асарлари билан ёшларни тарбиялаш лозимлигини тушундим. Чўлпон Икромов тимсолида «Миллат қаҳрамони»ни кўрар эди. Мен бу илтимосни Тошкентда яшовчи Чўлпонга хабар қилдим».

Икромовнинг илтимосидан илҳомланган Чўлпон қаттиқ ишлашга киришади. Ҳатто, Зиё Саид ва Назир Сафаровнинг буюртма билан ёзилган «Тарих тилга кирди» асарини кўздан кечириб, Зиё Саиднинг илтимосига мувофиқ миллатчи шоир Мухлис тилидан ўқиладиган шеър матнини ёзиб беради. Аммо шўро хунвейбинларининг хуружларидан чарчаган, қанд касали ҳолдан тойдиргани учун оёқ етганча Масков кетиб, собиқ иттифоқ совнаркомида таржимон бўлиб ишлайди. 1934 йилда яна Акмал Икромовнинг таклифи билан Тошкентга қайтиб келади. Хулоса қилиш мумкинки, Чўлпон Масковга кетиш арафасида ва Масковдалик даврида айрим асарларини Акмал Икромов илтимоси билан ёзган. Агар «Кеча ва кундуз»ни анча аввал бошлаган бўлса, «Икки ҳожи» рўманини кейинроқ 1934-1935 йилларда шўролар пойтахтида ёзган кўринади. Биринчи асарнинг «Кеча» қисмидан парчаларни Акмал Икромовга поездда ўқиб беради. Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаев бу рўманни ўқиб чиқиб, чоп этишга оқ йўл берадилар. Шундан кейин асар дастлаб 700 нусхада, сўнг оммавий нашрда босилади. Ҳатто йилнинг энг яхши асари сифатида мукофот ҳам олади.

«Икки ҳожи» романини ёзиб Файзулла Хўжаевга топширади. Шоирнинг андижонлик дўстларидан Боқи Маҳмудий 1938 йил 8 октябрда НКВД терговчиларига берган сўроқда шундай дейди: «Чўлпон 1936 йил сентябрда Андижонга синглисини кўргани келади... Чўлпон суҳбат мобайнида Масковда яшаган пайтда Акмал Икромов билан боғланиб тургани ва унинг маслаҳати билан Ўзбекистонга қайтганини айтди. У Икромов билан бўлган суҳбат чоғида ўзини ёзувчиларнинг ҳужумидан ҳимоя қилишни илтимос қилибди ва унинг ҳимоясига ишонишини билдирибди. Акмал Икромов билан Масковдан бирга келгач, унинг уйига дарҳол Файзулла Хўжаев келганини сўзлади.

Куни хотирамда йўқ, октябрь ойида Қаҳрамондиев менга Чўлпоннинг Абдулла саҳҳоф билан бирга келганлигини айтди.

*Дилдан суҳбат*

# «САНЪАТ ИНСОННИ ГЎЗАЛЛИККА ЕТАКЛАЙДИ»

**— 1948 йилнинг Наврўз куни Эски шаҳарнинг қоқ ўртасида жойлашган Каллахона маҳалласида туғилганман. Паст томли уйларда истиқомат қилувчи ҳазилкаш одамлар, мўйсафидларнинг ақлли гапларини эшитиб катта бўлганман, дейишга асосим бор. Боиси Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султоновлар билан қўшни бўлганмиз. Уларнинг хонишлари миллий руҳдаги ижодкор бўлиб етишишимга ўз ҳиссасини қўшган, таъсирини ўтказган, деб айта оламан.**

1964 йили Беньков номидаги Республика Рассомлик билим юртига ўқишга кирдим. Билим юртини тугатгач, устозларимнинг маслаҳати билан Суриков номидаги Москва Давлат бадиий институтига қийинчилик билан ҳужжат топширдим. Сабаби, ўша пайтлари ўзбеклардан бу ерда билим олиш бахтига муяссар бўлганлардан бири фақат Чингиз Аҳмаров домла бўлган экан.

Онамларнинг дуолари билан ўқишга кириб, олти йил таҳсил олдим. Кўзга кўринган рус зиёлилари менга устозлик қилишди. Шунинг учун бўлса керак, ижодимда рус маданиятининг таъсири кучли бўлган. Айниқса, устозим Алексей Михайлович Грицайнинг гапларини сира унутолмайман. У киши: "Сен ўқишга Шарқдан келгансан, бир кўзинг билан рус маданияти, жаҳон маданиятини кўриб, ўзлаштириб, ўрган. Иккинчи кўзинг билан эса буюк Шарқ маданиятига алоҳида эътибор бергин. Ижодингда миллийлик, маданий мерос, Шарқ маданиятининг таъсири ҳамиша сезилиб турсин", — дея насиҳат қилар эдилар ҳамиша. Бунга амал қилганимдан ижодимда миллий руҳ доимо сезилиб туришига интиламан...



Ўзбекистон Бадиий академиясининг академиги, Республика Давлат мукофоти совриндори, Халқ рассоми, профессор Алишер МИРЗАЕВ билан суҳбатимиз тўғридан-тўғри шу тарзда бошланди. Бу ижодкор ҳақида кўп ва хўп гапириш мумкин. Бироқ унинг ўзи билан бевосита мулоқот қилиш бундан-да мароқлироқ экан. Қуйида гўзалликка ошно қалбнинг дилкаш суҳбатидан баҳраманд бўласиз.

**— Рассомлик санъатининг ўзига хос жозибаси нимада деб ўйлайсиз?**

— Буни мен ҳаётнинг қувонч ва шодликларини гўзал шакллар, чизгилар орқали асарларда намоён эта олишда деб биламан. Рассом табиатдаги бор шакл-шамойилни, ҳолатни оддий кишиларга қараганда кучлироқ сезади. Рассомнинг бахти шундаки, у гўзалликни кўриб, юракдан ҳис қилиб, кўнглидан ўтказади ва ўз дунёсини яратади. Улар ўзининг олами билан яшайди. Шу боис шоирлар билан рассомлар орасида аллақандай ўхшашлик бор дейиш мумкин.

Мисол учун, ҳунарманд ясаган олти қиррали столини ҳеч ким харид қилмаса, у ўша куниёқ касбини ўзгартириши мумкин. Бироқ шоир билан рассом яхши-ёмон кунида ҳам касбини ўзгартирмайди. Унга пул тўлашадими-йўқми, бу нарса уни қизиқтирмайди. Ижодкорнинг меҳнатдан мақсади руҳини қондириш. Бу менинг фалсафам. Ҳар куни эрталаб туриб руҳингизни қондириш билан овора бўласиз. Асарнинг сотилиши, тақдири қандай бўлиши бу бошқа масала. Булар кейинчалик пайдо бўладиган муаммолар. Баъзи буюк рассомлар борки, улар вафот этгачгина асарларининг нархи ошиб кетган. Лекин улар бутун умр руҳларини қондириш учун меҳнат қилганлар. Англаяпсизми, ижодкорликнинг жозибали томонларидан бири шоирона гўзаллик яратиш, уни кўрсата олишда. Буюк гўзалликни сарҳисоб қилиш ва гўзал шаклларда ўзингизнинг дунёнгизни яратиш, ифода этиш бу катта Бахт!

**— Сизни ўзига жалб қилган нарса асарлар жозибасими ё бошқа сабабларми?**

— Боғчадалигимда бир шода узумнинг расмини чизиб, онамга кўрсатсам, "Қаранг, жуда ҳам чиройли чизибди", — деб ҳаммага кўз-кўз қилганлар. Ўша пайтларда пластилиндан кичкина шакллар ясашга қизиқардим. Бундай қизиқишлар учун боғчада қоғоз, қалам бериб рағбатлантиришарди. Кейин мактабда ҳам бу қизиқиш давом этган. Буюк рус рассомларининг чизган суратларига қараб туриб уларни кўчирма қилиб чизганман. Шунақа аниқ кўчирибманки, устозларим: "Ёмон иш қилибсан, бошқа бундай қилма", — деб танбеҳ беришгани ёдимда. Рассом учун мактабнинг роли жуда улкан. Мактаб деворларида буюк рус рассомлари асарларидан репродукциялар, расмлар осиғлиқ турарди. Улар табиат манзараларини ифода этишга уста бўлишган. Шу асарлардан руҳланиб, мен ҳам қорли қишни, қуёш ботишини гўзал тарзда ифода этсам, деб орзу қилардим. Мактаб кутубхонасида рассомлар ҳақида адабиётлар бўларди. Уларни варақлаб, XIX асрнинг II ярми рус рассомлари ҳақида маълумотларга эга бўлганман. Афсуски, миллий маданиятимиз ҳақида маълумотлар кам эди. Кейинчалик Камолиддин Беҳзод, Шарқ дарғалари ҳақида ўқиб-ўрганиш бахтига муяссар бўлдим.

**— Рассомлар ҳаётга ижодкор сифатида назар ташлайди дейишади. Бу иборани қандай изоҳлайсиз?!**

— Рассомнинг кўзи табиатдаги гўзалликни қидиради. Автобусдами, троллейбусдами уйларга тушаётган соялар, ёруғликларни сарҳисоб қилади. Масалан, дарахтнинг шохлари мунтазам равишда табиатга, иссиқ-совуққа таъсирчан бўлади. Мен ҳам таъсирчанман. Ҳаётга таъсирчанлик билан ёндашиш, оқ-қорани ижодкор кўзи билан фарқлай олиш гўзаллик яратишнинг мезони бўлса, ҳаётнинг оддий инсонлар кўра олмайдиган қирраларини ҳис қилиш ижодкор иқтидоридир. Ижодкорлик нафақат касб, бу инсоннинг турмуш тарзи. Санъатга ошно бўлгандан сўнг эса бошқа йўл йўқ. Энди у борликка ҳам, йўқликка ҳам чидаб яшайди. Сабаби, бирдан бир танлаган йўли, ижоди бор. Ижодкорлик бу бахт.

**— Яратган асарларингиздан кўнглингиз тўлмаган вақтлар бўлганми?**

— Асарларимга танқидий нуқтаи назардан қараб, шу асарим яхши чиқмади, кўнглим тўлмади дейдиган ҳолатлар кам бўлган. Матонинг текислигига қўл узатсам, мавзулар мени чизгин деяётгандек туюлади. Ҳамма вақтим шуни амалга ошириш билан ўтади. Ҳар бир асаримга қалб қўримни берганим учун улар менга жуда қадрли. Инсон ўз фарзандини ёмон демаганидек, ҳар бир асар ҳам ижодкорнинг фарзандидек гап. Чет элга кетадими, шахсий коллекциягами... Музейларга юборилган расмлардан кўнглингиз бир оз тўқ бўлади. Сабаби улардан бориб хабар олиб турасиз. Чет элга кетса уларни бошқа кўрмаслигингиз мумкин. Умуман яратилган асар гўзал бўлиши керак. Ахир, санъат инсонни гўзалликка олиб кирувчи соҳа-ку.

**— Томошабинлар санъат асарларини кўрганда ҳайратга тушади. Ижодкор сифатида ўзингиз яратган асарларингиздан ҳайратланган вақтингиз бўлганми?**

— Бўлади. Музейларда 30-40 та асарим бор. Вақти-вақти билан у ерларга борганимда асарларимни кўриб, шуни мен чизганманми, деб ҳайратланган вақтларим бўлган. Камдан-кам ҳолатда қониқмай, ҳозир бошқача чизардим, деган хаёлга борганман. Ижодкор сифатида шуни айтишим мумкинки, илҳом билан яратилган ҳар қандай асар бетакрор бўлади. Бунинг учун эса ижодкорда иқтидор бўлиши шарт. Баъзи ота-оналар: "Боламнинг мактабда ўқишининг мазаси йўқ, уни рассом қилмоқчиман", — дейишади. Йўқ, иқтидорсиз рассом ҳеч қачон яхши ижодкор бўлолмайди. Рассом бўлиш учун истеъдод, ақл, илм сув билан ҳаводек зарур. Булар ўқишда, изланишда намоён бўлади. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоиз. Тасвирий санъат амалиёт билан боғлиқ нарса. Ҳам амалий, ҳам назарий томондан мукаммал ижодкоргина инсонларни ҳайратга сола оладиган асарлар ярата олади.

**— Замонавий ўзбек тасвирий санъатининг ютуқ ва камчиликларини нимада кўрасиз?**

— Мустақиллик йиллари ижодда эркинлик пайдо бўлди. Ўзинг истаган шаклларда ижодингни эркин ифода этиш имкони туғилди. Совет даврида ижод бир томонлама қолипга солинган эди. Ҳозир ижодий эркинлик мавжуд. Шунинг учун қобилиятли рассомларнинг гўзал асарлари яратилди. Чет элларда кўргазмалар бўляпти. Шукрки, тасвирий санъат бўйича маданияти юксак давлатлар билан беллаша оляпмиз. Тасвирий санъатда юксалиш бор. Тошкент тасвирий санъатнинг марказларидан бўлиб қолган. Бизда кўргазма заллари кўп. Бадиий академиянинг Марказий кўргазма зали, Кўргазмалар дирекциясининг Кўргазмалар зали. Миллий банкнинг суратлар галереяси. Булар асарларимизни намоён этиш учун жуда қулай имконият. Бироқ рассомнинг суратлари сотилиши керак. Бу масалада бир оз қийинчилик бор. Илгари тасвирий санъатнинг ҳомийи давлат эди. Ҳозир худди чет элдагидек — халқ. Асарингизни ёқтирса харид қилади, ёқтирмаса йўқ!

**— Миллийлик ва замонавийлик иборасини қандай изоҳлайсиз?**

— Миллий руҳни ифода этиш замонавий фазилат десак, бўлади. Миллий руҳни тасвирлаш эҳтиёжи миниатюра санъатидан бошланган. Ҳозир замонавий миллий миниатюрани яратиш керак. Шу хусусда шогирдлар билан иш олиб бордик. Замонавий мавзуларни миллий шаклда ечишга ҳаракат қилиб кўрдик. Миниатюрада замонавийликни яратиш мумкин. Бунинг учун иқтидорли ёшларни тарбиялаб, камолга етказиш керак...

**— Ёшлар йили муносабати билан тилакларингиз.**

— "Осилсанг баланд дорга осил" дейишади. Қайси соҳани эгаллашингиздан қатъий назар шу соҳанинг энг юқори чўққиси намоёндаси бўлишга ҳаракат қилиш керак. Агар ҳаракат қилсангиз, халқ сизни ҳурмат қилади. Ўзбекнинг қобилиятсиз фарзанди деярли йўқ. Ёшлар билан юракдан, дилдан суҳбат қурсангиз, уларнинг ҳаёти билан яшашга ҳаракат қилсангиз қобилиятлари юзага чиқаверади. Шу маънода буюк мусаввирлар эришган ютуқларга юртимиз ёшлари ҳам эришишини астойдил тилайман. Ёшлар йилида улар орасидан янги-янги иқтидорлар кўз очади, янги-янги кашфиётлар яратилади, деган умиддаман.

Суҳбатимиз аввалида мен ўз таржимаи ҳолимни баён эта бошлаган эдим. Сўнгини ҳам шундай якунлай қолай — тўрт нафар қизим бор. Улар гўзаллик таъсирида ўсишган. Диёнатли, маданиятли бўлишса дейман. Турмуш ўртоғим Мавлудахон санъатшунос. Ижодкор учун аёлининг қайси соҳа эгаси эканлиги жуда муҳим экан. Шу маънода менинг бахтим чопган, чунки хотиржам ижод қилишим, чалғимай асар яратишим учун турмуш ўртоғим ҳамма шароитни яратиб беришга интилади. Бу эса менга рағбат, қаноат бағишлайди.

**«Миллий тикланиш» мухбири**
**Адибахон РАҲМАТУЛЛАЕВА суҳбатлашди.**
**Азамат АҲМАД олган сурат.**



***Кейинги пайтда мамлакатимизда қизларни спорт мусобақаларига жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, айниқса, спортнинг стол тенниси турини оммавийлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.***

# «КАМОЛОТ МАЛИКАСИ»

**Болалар спорти**

Шу сабаб Ёшлар йили муносабати билан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан стол тенниси бўйича "Камолот маликаси" мусобақалари ўтказилди. Куни кеча пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуасида мусобақаларнинг финал босқичи бўлиб ўтди. Унда барча вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан 1990-1991, 1992-1993 йилларда туғилган қизлардан ташкил топган жамоалар иштирок этди. Иштирокчилар мусобақалардан бўш вақтларида ҳаракатнинг Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилган маданий дастурлар, турли хил учрашувларда қатнашдилар. Тошкентда истиқлол йилларида бунёд этилган иншоотлар, Мустақиллик майдонига саёҳат уюштирдилар.

Ушбу турнирнинг ажралиб турадиган яна бир томони — мусобақада ғолиб ва мағлублар бўлмади, барча иштирокчиларга махсус медаллар, дипломлар ва эсдалик совғалари топширилди.

**Адибахон ҒАЙРАТ қизи.**
**Азамат АҲМАД олган сурат.**



*Эзгуликни, яхшиликни*
*дараклаб,*
*Келақолинг, юртимизга,*
*лайлаклар!*

**Азамат АҲМАД олган сурат.**

# ДЎСТЛИКДА ШАХМАТ МУСОБАҚАСИ



***Дўстлик туманининг «Мевазор» маҳалласида иқтидорли журналист Турдиали Сойназаровнинг хотирасига бағишланган шахмат турнири ўтказилди.***

Тадбир иштирокчилари асосан мактаб ўқувчилари ҳамда шахмат ишқибозларидан иборат бўлиб, улар асосий босқичга чиққунга қадар ўзаро беллашдилар. Ғолибликни қўлга киритганларга финалда иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

Мусобақада мактаблараро ўтказилган ўйинларда биринчи ўринни эгаллаган 60 нафардан зиёд ўқувчи иштирок этиб, ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Рақибларини доғда қолдирган Олим Худойбердиев, Санжар Исмоилов, Омон Худойбердиев каби ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди. Энг ёш шахматчи номинацияси бўйича ғолиблик 6 ёшли Музроб Баротовга насиб этди.

— Халқимиз фаровонлиги йўлида озми-кўпми ўз хиссасини қўшиб ўтган юртдошларимиз хотираларини эъзозлаб, ҳар ойда шундай турнирларни ўтказиб бориш анъанага айланган, — дейди «Дўстлик ҳаёти» газетаси муҳаррири Саидазим Рустамов.

**Хуршид НУРМАМАТОВ,**
**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси.**



# БИРОВГА ҲАСАДИМ ЙЎҚ...

*МУШОҲАДА*

***Деразага суяниб хаёл сураяпманми***
***ёким дераза менга суяниб?..***
***Тепамда юлдузлар порлаяптими***
***ёким мен уларнинг тепасида?!***
***Аслида, аҳамиятсиз бу –***
***Идрок қилиш бахти олдида,***
***Одоб сақлагандек жинлар ҳам ҳатто***
***Сулаймон подшоҳнинг тахти олдида...***

*Илҳом лаҳзалари*

## СИЗГА НИМА ДЕЙИН

Сизга нима дейин? Ортиқ гапим йўқ,
Қўрқинг ақлингизни зап олғонлардан.
Йўлга солмоқ бўлиб қилманг менга дўқ,
Ёлғонлардан тўйдим, эҳ, ёлғонлардан!

Бирда от мингайсиз, ё бирда эшак,
Учқур бўлмоқликни истайсиз бешак,
Нафсингиз қутқуси айламиш кесак,
Сабоқ олмайсизми жом тўлғонлардан?

Ғийбатни ҳар ерда урф айлаганлар,
Оқ кўнгилни қора деб лойлаганлар,
Ўз дўстига зимдан тиғ қайраганлар,
Ибрат олса яхши танг бўлғонлардан...

Қанча юрманг, йўлда из вақтинчалик,
Бир кун сўнар овоз, сўз вақтинчалик,
Орсиз юраберган юз вақтинчалик,
Қоч, шайтон измига мук қолғонлардан!

Сизга нима дейин?..

## ЭЪТИРОФ

*Иброҳим ҒАФУРОВга*

Иброҳим Ғафурни
англамоқ учун
Минг йиллик таҳсилни
Тингламоқ керак.
Бир сиқим тупроқни
кафтингга олиб,
Уни юрак қони-ла
Рангламоқ керак.
Миллий уйғониш не?
Англат десалар,
Жўнгина бир сўзни такрорлар
эдим:
Мукаммал жавоб
шул, дея узоқдан
Иброҳим Ғафурни кўрсатар эдим...

**Шукур СОДИҚ.**

## ҲОЛ

**Айтинг, арпангизни ҳеч хом ўрибманми,**
**Мен ҳам шоир бўлмоқни туш кўрибманми?**
**Бировга ҳасадим йўқ,**
**Гап талашмадим,**
**Сиз ҳам тинчгина юринг,**
**Юрибман-ку жим...**



# КЎНГИЛДАН КЕЧГАН ФИКРЛАР

Аёллар муҳаббати худди нон ва сувга ўхшайди, баҳраманд бўлсанг ҳам меъдага тегмайди, уни увол қилиш гуноҳ ҳисобланади.

* * *

**Ўз уйида ўзини кўрсата олмаган ношуд аёллargина ўзларини кўча-кўйда кўз-кўз қилади.**

* * *

Бирор-бир чиройли нарсани кўриб турсангу лекин юрагинг жизилламаса, ўша кўрган нарсанг алдовдир.

* * *

**Бир сирни англаб етгандек бўламан: ҳар қандай бало-қазоли ҳодисанинг ибтидосида Аллоҳнинг ўзи кимларнингдир ҳаётини сақлаб қолган бўлса, унинг ожиз бандалари, масалан, табиб, ўт ўчирувчи ёки ғаввос — шу ҳодиса интиҳосида ўшаларнигина ҳаётини сақлаб қола олар экан.**

* * *

— Оталарнинг ҳаётда йўл қўйган хатолари болаларга тўғри йўлни кўрсатиб бера оладими?

— Бера олади, қачонки, болалар зийраклик билан оталари қилган хатоларидан тўғри хулоса чиқарса ва сабоқ олса ҳамда ақл билан иш кўриб, ўз ҳаётида уларни такрорланишига йўл қўймаса.

* * *

**Ҳаётга боқиб**

**Қани энди, қишлоғимиз чолларининг эрка "тошкентлик" боласи, онамнинг ишонган кўз-қароғи, укаларим ва сингилларимнинг тоғдек суянчиғи, оилам ва фарзандларимнинг мустаҳкам қўрғони, танишларим ва оғайниларимнинг дўсти, ишхонамнинг эрка ходими, бош муҳаррирларнинг ўзлари ахтариб юрадиган муаллифларидан бири бўла олсам.**

* * *

Бирон-бир салбий ҳодиса рўй бериши биланоқ унинг айбдори ким эканлигини қидира бошлаймиз. Айбдор кимлигини билганимиздан кейин, кўпинча, айбдорнинг "кимлиги" учунгина унга нисбатан қандай чора кўриш мумкинлигини яна қидира бошлаймиз.

* * *

**Болалар театрларидаги артистлар табиатан болаларга ўхшайдилар — эркаланиб ўйнашни яхши кўрадилар.**

**Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ.**

## Жаҳон ҳафта ичида

## БУЮК БРИТАНИЯДА ТЎФОН

Буюк Британияда ушбу ҳафта тўфон билан бошланди. Кучли шамол ва жала натижасида сув тошқинлари келиб чиққан. Бу эса транспорт тизимининг ишига таъсир кўрсатган. Метеорологларнинг маълумотларига кўра, мамлакат жанубида тўфон 130 км/соат тезлик билан ҳаракат қиляпти ва кейинги кунларда унинг кучайиши тахмин қилинмоқда.

Бундан сал олдинроқ метеорология хизмати Англия, Уэльс, Шимолий Ирландия ва марказий Шотландияда сув тошқинлари юз бериши ҳақида огоҳлантирган эди. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу тўфон Британия тарихида сўнги 10 йил ичидаги энг кучлиси бўлиши мумкин.

## "АЛЬФА РОМЕО" ҚИММАТГА ТУШАДИГАН БЎЛДИ

Alfa Romeo компанияси 2005 йилнинг мартидан 2007 йилнинг февралига қадар савдога чиқарилган Brera, Spider и 159 русумли 937 та автомобилни қайтариб оладиган бўлди. Бу ҳақда немисларнинг Autobild журнали хабар тарқатмоқда. Ушбу акция қайси давлатларга ва бозорларга тегишли эканлиги ҳамда унинг компанияга қанча зарар келтириши ҳақидаги маълумотлар ҳозирча эълон қилинмаган.

Мазкур акциянинг бошланишига автомобилларнинг бошқарув тизимида аниқланган носозлик сабаб бўлган. Бу носозлик ёғнинг ортиқча сарфи ва бошқа ноқулайликларни келтириб чиқариши мумкин.

Анъанага кўра, носоз автомобилларнинг эгаларига ахборот жўнатилади ва уларнинг хизмат кўрсатиш станцияларига келиши сўралади.

## ТАЛАБ БАЖАРИЛДИ

Жанубий Корея ҳукумати Россиянинг "Союз" кемасида халқаро космик станцияга учиши лозим бўлган космонавтни ўзгартирди. Бу ҳақда Кореянинг Фан ва техника вазирлиги ахборот тарқатган. "Союз" апрелда фазога йўл олиши режалаштирилаётган эди.

Дастлаб, 31 ёшли компьютер технологияни алмаштиришда "Роскосмос"нинг талаби катта роль ўйнаганлиги гапирилаётганди. Бироқ расмий Сеул бунда космонавтнинг машғулотлар режимини бир неча марта қўпол бузганлигини сабаб қилиб кўрсатмоқда. Маълумотларга кўра, у ўтган йилнинг сентябрида шахсий буюмлари орасида косманавтларга мўлжалланган қўлланмани ҳам жўнатиб юборган. Шу йилнинг февралида эса у космик кемани бошқариш билан таниша бошлаганлиги аниқланган. Аслида у фазода илмий топшириқларни бажариши керак бўлган ва кемани бошқариш унинг ваколатига кирмаган. Қизиғи, космонавт бу ҳақда хабардор бўлган ва машғулотлар жараёнини бузмаслик ҳақида тилхат ҳам берган.

Энди 8 апрелда унинг ўрнига фазога Корея илғор фан ва технологиялар институти аспиранти Ли Со Ен йўл оладиган бўлди. Қизиғи, Кореянинг бўлажак фазогири аёл бўлиб, эндигина 28 ёшга тўлган.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

***Утерянный гос. ордер №08-01/23155 от (дата) 12.03.93 права собственности на квартиру на имя Захаров Андрей Валентинович считать не действительным.***

***ООО «ЦИММЕРМАН» Мирзо Улугбекского р-на ликвидируется. Претензии принимаются по адресу ул. Гулямова 1. Тел: 232-17-43.***

*Муассис:* **«Миллий тикланиш» демократик партияси**

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ — ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА — MILLIY TIKLANISH

Бош муҳаррир Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 233-67-51. Бўлимлар — 236-58-73.
*E-mail: milliy-tiklanish@mail.ru*

Манзилимиз: *Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй*
® - *Тижорат материали*

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 22.00
*Нашр кўрсаткичи — 158*

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 223.
Ҳажми 2 босма табоқ.
*Адади 2848*
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 5 6

Босишга топширилди — 21.30